



# SCIENCE TIME

## АСАД ДИЛМУРОД ЭСТЕТИК ИДЕАЛИ

Дилмурадова Нилуфар Асатуллаевна

Алишер Навоий номидаги ТошҶЎТАУ мустақил тадқиқотчиси, Тошкент молия институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти.

E-mail: [nilu.01@mail.ru](mailto:nilu.01@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли ўзбек адаби Асад Дилмурод шахсияти ёзувчи ижод лабораторияси билан уйғунликда тадқиқ этилган.

**Калим сўзлар:** адабий мерос, ижод лабораторияси, ҳикоя, қисса, роман, адабий қаҳрамон, ҳаёт ҳақиқати, сюжет, композиция, ўзига хослик, концептуаллик, миллий характер, поэтик маҳорат, анъанавий ва ноанъанавий реализм.

**Аннотация:** В статье в гармонии с творческой лабораторией писателя исследуется личность заслуженного деятеля культуры Узбекистана, известного узбекского писателя Асада Дилмурода.

**Ключевые слова:** литературное наследие, творческая лаборатория, повесть, новелла, роман, литературный персонаж, жизненная действительность, сюжет, композиция, оригинальность, концептуальность, национальный характер, поэтическое мастерство, традиционный и нетрадиционный реализм.

**Abstract:** In the article, in harmony with the creative laboratory of the writer, the personality of the honored worker of culture of Uzbekistan, the famous Uzbek writer Asad Dilmurod is explored.

**Keywords:** literary heritage, creative laboratory, story, short story, novel, literary character, reality of life, plot, composition, originality, conceptuality, national character, poetic skill, traditional and non-traditional realism.

### КИРИШ.

Ҳар бир истеъдодли адаб дунёқарashi, ўзига хос инсоний фазилатлари у яратган бадиий асарларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам образлар маънавий-ахлоқий дунёсини адаб бадиий-эстетик оламидан айри тасаввур этиш қийин. Адабиётшунослиқдаги бундай ўринли мулоҳоза ва талқинлар ёзувчининг маънавий дунёсини тушуниш ва у яратган асарларни тарихий воқелик билан қиёслаб ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга.

### МЕТОДЛАР.

«Оламни объектив ёки субъектив талқин этишда ижодкорни вояга етказган ижтимоий, руҳий-психологик жараёнларнинг таъсири ўз изини қолдиради. Холислик - ижодкор учун яхши фазилат. Ҳар қанча холислик бўлса-да, тарихий воқелик барibir ижодкор характери, тафаккури ва қалби



# SCIENCE TIME

«тахрири»дан ўтиб муайян бир асар шаклига киради. Ижодкорнинг характеристи, тафаккури, қалби эса уни қуршаб келган мухит ва шароитнинг «ҳавосидан нафас олади». [5.7] Дарҳақиқат, адид ижодий жараёнда бадиий асар учун таассуротларини, аввало, ўзини қуршаган мухитдан олар экан, бевосита уни ўз шахсиятига хос фазилатлар билан бойитади. Яратган образларида ёзувчининг қайсиdir маънода ўзи «яшайди», қаҳрамонлари эса, айтмоқчи бўлган ижодий нияти билан узвийликда бўй кўрсатади.

«Ёзувчининг ҳаётга муносабати, унинг эътиқоди, имони, кимларни ёқлаши, нималарга қарши курашиши, талантининг характеристи, ҳаётий тажрибаси, услуби – ҳаммаси ижодий меҳнат жараёнида яратилган образларга, характер ва типларга ўтади». [7.109] Ижодкор яратган образларига ўзига хос жиҳатларни юклайди, улар характеристида гавдалантиради. Бу образлар бадиий ғояни юзага чиқаришга хизмат қиласди, чунки, ёзувчилар уни ўзининг қарашлари билан тўйинтиради.

Мақолада таниқли ўзбек адаби Асад Дилмуроднинг эстетик идеалини шахсияти ва ёзувчи ижод лабораторияси билан уйғунликда тадқиқ этишда биографик ва тарихий-генетик усулларда ёритилди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Ижодкорнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари унга муносабати билан уйғунлашиб, бадиий-эстетик моҳият касб этади. Ёзувчи ўзи тасвирлаётган оламда яшайди ва уни ижодий имкониятидан келиб чиқсан ҳолда талқин қиласди. «Ёзувчи ижодини ҳаққоний талқин қилиш, баҳолашда ишонарли ҳасби ҳол, таржимаи ҳолнинг аҳамияти бекиёсдир». [8.28] Фикримизни ёзувчи ижодий лабораториясига мурожаат орқали таржимаи ҳолига эътибор қаратамиз: «...Дадамнинг катта орзулар оғушида яшаганлиги, уни аввал журналист, кейин эса эл таниган ёзувчи бўлишига асос бўлди. Бу ҳаёт йўлини дадамнинг ўзлари қуидагича хотирлайдилар: «Журналистикага қизиқишимга саккизинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда Тошкентдан мактабимизга амалиётга келган Машхура Хайдаровна деган рус тили



# SCIENCE TIME

ўқитувчиси сабаб бўлган. Шу билан бирга бизни ҳар хил газеталар, бадиий китобларни ҳам ўқишига ундарди. Кейин уларнинг маслаҳати билан синфдошим Маматкул иккаламиз журналист бўлишни ният қилиб ўқишига топширдик. Менинг биринчи устозим «Ленин йўли» газетасининг бош муҳаррири, профессор Нуриддин Шукуровдир. Университетдаги устозларимнинг ўрни ўзгача, улардан жуда кўп нарса ўрганганман. Бегали Қосимов, Озод Шарафиддинов, Расул Муҳаммадиев Сайди Умиров – улар мени шу даражага етишимда ўринлари бекиёс. Лекин яна бир устоз борки, бу ҳаётнинг ўзи. Яна бир устоз эса бу – китоб». Ижодкор биографиясида, хусусан, Асад Дилмурод таржимаи ҳоли тавсифида адабнинг ўзи билан қилган сұхбатлар мухим аҳамиятга эга. Ёзувчининг ёшлигидан сўз санъатига қизиққанлиги уни ижод кишиси сифатида улғайтирди. Бу ҳислатга эга инсоннинг қалби эзгуликка тўлиқ бўлиши, айтар сўзи шунга мос келиши Асад Дилмурод асарларида яққол сезилиб турди. Ёзувчининг ҳаётдаги қизиқишилари ҳақидаги қўйидаги фикрлари ҳам эътиборли: «Шоҳмот ўйнашни жуда ёқтираман. Шеър ёзишига ҳам қизиқишим катта, лекин ёзмайман. Аслида ижодимни шеър ёзишдан бошлаганман. Шеърларим «Гулҳан», «Адабиёт ва санъат», «Гулистон» журналида босилган». [2.6] Дадам – табиатан қизиқувчан инсон бўлганлар. Аввал учувчи, кейин рассом бўлишни орзу қилган адабнинг кун келиб ижодкор бўлишини унинг ҳаётга бефарқ эсмаслиги, ҳаётни севиши, қалби соф туйғуларга ошуфталиги билан изоҳлаш мумкин. Ёзувчи сифатида ўзини фақат прозада кўрган ёзувчи, гарчи лирикага ҳам мойиллиги бўлса-да, насрда ижод қилиш имконияти каттароқ эканини англайди ва умри давомида шу йўлдан юради.

«Ижодий концепциясига кўра, ҳар бир асарида дадам бутун эътиборини изчил равишда, аввало, бадиий сўз санъатининг асосий обьекти саналган инсон моҳиятини тадқиқ этишига қаратади, бинобарин, инсонни башарий қадрият – тириклик жозибаси тимсоли деб билади. Ҳаёт нашидасини одамзодга берилган олий неъмат, тирикчилик машаққатларини синов



# SCIENCE TIME

тариқасида тушунади. Натижада, маңнавий-интеллектуал, ахлоқый камолот билан боғлиқ бадиий-эстетик мисоллар ижодий изланишлари ўзак мағзини ташкил қиласы». [9.6] Күринадики, Асад Дилмурод барча асарларыда инсон ва унинг туйғуларини биринчи ўринга күтаради.

Сўз санъати сирларини пухта эгаллаб, бадиий маҳоратини ошириш ва истеъдодини тарбиялашга интилган адаб, публицистика захматини чекиш баробарида, халқимиз ўтмишига ҳурмат билан қаради, яъни машаққатли олис йўлни босиб ўтган мозийга ихлос боғлади.

Адаб ижодида тарих билан замон руҳи ўзаро синтезлашиб, таҳсинга лойиқ бадиий манзара намоён қиласы, бинобарин, «Нон», «Оғир кун», «Хукм», «Хуфтон», «Харсанг» каби ҳикоялари, «Тош бургут» ва «Сирли зина» каби қиссалари шакли ва мазмунида шундай ҳолат кузатилган эди.

Адаб услуби анъанавий ва ноанъанавий реализм учун хос эстетик унсурлар воситасида шаклланган. Тажриба тўплаш ва изланиш жараёнида «Оқ аждар сайёраси» (1995-1996) қиссаси, «Аланқува» (2007), «Хаёл чўғланиши» (2010), «Кўнғирок» (2013), «Нарвон» (2014), «Масофа» (2016), «Оқбадан париваш нигоҳи» (2017) каби янгича йўлдаги ҳикоялари туғилдики, уларнинг сюжет чизигида сирли хаёлот жозибаси бевосита фаол иштирок этади, инсон ботини ва зухури фантазия сехри қўмагида чуқур текширувдан ўтказилади.

Ёзувчининг «Кўнғирок» номли ҳикоясида инсон умри давомида ҳаётнинг маъносини англаб етиши, унинг лаззатини туйиши учун қўлидан келадиган касби орқали ҳалол меҳнат билан оиласини, бола-чақасини боқиши керак, деган ғоя илгари сурилади. Нафс балосига йўлиқиб, турмуш ташвишларига дош беришда ўзини қинғир йўллар орқали ҳам ўқса, ҳам чўқса урса, у ҳалокат ёқасига бориб қолганлигини билмай қолиши асарнинг асосий мазмунини ташкил этади. «Кўнғирок» сарлавҳасидаги рамзийлик замирида инсоннинг ўзи хуш кўрган ишидан, кўнглига мос инсонлар даврасидан, файзли муҳитдан кечолмаслиги, кечган тақдирда унинг ичидаги



# SCIENCE TIME

түгён, ўзлиги сари қайтишига унда б турувчи бонг – күнғироқ мавжудлиги асар моҳиятига сингдириб юборилган.

Ҳикоя бош қаҳрамони Тугалбой муаллим бўлиб, ҳаёт қийинчиликлари уни белини буқкан, кўп синову қийинчиликларни бошидан кечирган бўлишига қарамай, ўзлигини йўқотмаган инсон қиёфасида кўз ўнгимизда гавдаланади. Тугалбой бошига тушган турмуш ташвишларини енгиш учун, етти йил деганда етишган яккаю ягона фарзанди Мақсаджоннинг жонини сақлаб қолиш ниятида манфур кимсалар билан алоқа қилишга мажбур бўлади. Дастреб икки тоннадан ортиқ «үқлаб қўйилган, усти ялтироқ, ичи қалтироқ» ёнгоқни олиб алданади, кейин *зишт* кукуни билан бўялган кўп микдордаги гуручни олибчув тушади. Бундай ҳолатлар аста-секин уни ҳолдан тойдиради. Бу орада уни бир дард қийнай бошлайди. Асад Дилмурод Тугалбой руҳий ҳолатини ишонарли ва таъсирчан қилиб тасвирлайди: «Сирли чўғ танаси бўйлаб тобора юқорига силжиётганини айтар экан, негадир у маъюс тортиб инқиллаб қўйди». [6.450] Бу товонидан бошига қадар ўрмалаб, кун сайин ич-этини еб битираётган кирпининг танасида мавжудлигини ҳис этиши жараёнидир. Бу, албатта, рамзий маънодаги нафс ва виждан олишуви ҳолати учун ёзувчи томонидан танланган мажозий тасвир ҳисобланади. «Беқарорлик боис қадрсизланган, бутун жисму жонини қамраган ва охир юракка зулм ўтказишини бошлаган виждан оғризи» дир. [6.530] Тугалбой бу дардан халос бўлишни хоҳлаганида тиббиёт ҳам унинг дардига даво тополмайди. Нихоят, бу бало унинг нафси эканлигини Тугалбой англаб етади ва уни енгиб ўз оламига яна қайтади.

«Нарвон» ҳикояси ҳам ҳаётий воқеалар асосига қурилган бўлиб, ҳикояда тасвирланган бадиий деталь – нарвон ҳаёт тимсоли сифатида асар мазмунидан ўрин олган. Ҳикоядаги рамзий лавҳалар ёзувчи томонидан оддий ҳикоялаш тарзида эмас, балки образлар ички оламидаги ҳиссиётлар, кечинмалар орқали талқин этилади. Китобхон меҳнаткаш, ҳалол ва пок қалб эгаси бўлган уста Пўлат, унинг руҳий дунёсига назар ташлаш орқали асар



# SCIENCE TIME

моҳиятини англаб олади. Ҳикояда воқеалар ривожи уста Пўлатнинг шаҳардан ўн бир чақирик наридаги Тегена қишлоғига кетаётгани тасвири билан бошланади. У йўлида қаттиқ тўфонга дуч келиш жараёни тавсифида ҳикоянинг мазмун-моҳияти ойдинлашади. Уста Пўлат образига хос ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг ёрқин ифодаси ижодкор шахсининг намоён бўлишида ўз аксини кўрсатади.

Хар икки ҳикояда ҳам икки кутб - эзгулик билан ёвузлик ўртасида кечадиган зиддиятли руҳий курашлар ва бадиий-эстетик мотивлар бўртиб кўринади. Гўзаллик ва эътиқод, поклик ва ҳалоллик оламу одамни манфурлик ҳамда кабоҳат чангалидан кутқаради, деган долзарб эстетик идеал ҳикоя мағзига сингдириб юборилгани, айниқса, таҳсинга сазовордир.

Ёзувчининг «Хилват» ҳикояси ва «Мезон буржи» қиссасида Амир Темур образи яратилди. Истиқлолгача бўлган даврда китобхонлар қўлига теккан «Шердор» [10.] қиссасида XVII аср биринчи ярмидаги Самарқанд манзаралари, аштархонийлар сулоласи вакили – ҳоким Абу Карим Бойҳожи ўғли Ялангтўшибий баҳодирнинг мураккаб шахси, унинг гўзал қизи Моҳбону билан меъмор йигит Муҳаммад Авазнинг изтиробли муҳаббати хусусида сўз боради. Шердор мадраса-масжиди гўзаллик ва эзгулик обидаси, ҳаёт қарама-қаршиликлари ва ҳалқ донолиги акс этган боқий тимсол сифатида талқин қилинади.

«Шердор»да И момқулихон давридаги ҳалқимиз ҳаётини маърифат ғоясига йўғириб тасвирлайди. Қаҳрамонлар табиий интилишларини инсоний зиддиятлари, маънавий комилликлари ва чекланганликлари билан ифода этади. Уларнинг кўнгил иқлиmlарини нафс масаласига муносабатлари фонида тафтиш этади. Қиссадаги кошона эзгулик ва нафосатнинг, шохи рўмолча ва унга нақшланган тасвирлар эса муҳаббатнинг рамзлари даражасига кўтарилади. Ижод ишқи ва яратувчанлик, гўзаллик ва нағислик, улуғворлик ва абадият барқарорлиги ҳақидаги етакчи фикрни тасдиқлашга хизмат қиласи. Бу усул кейинчалик «Гириҳ» қиссасида қадимий нақш - гириҳ



# SCIENCE TIME

мажозий образ даражасига құтарилишида ҳам бүй күрсатади. Нихоят, «Фано даштидаги қүш» романыда услубий белги сифатида яхлитлашади. Мұхими, уларда адіб қалбидаги бунёдкорлик завқи, әзгулик соғинчи, нафосат әхтироми ва ғайрати, әртадан умидворлик түйғулари, фалсафий мушоҳадалари мужассамлашган.

«Мулк», «Гирих», «Интиҳо» [11;12] қиссаларыда ҳам маърифат ва жаҳолат ўртасидаги қураш яқын ўтмиш ҳаёти мисолида бадиий-фалсафий таҳлил этилади. Тарихий ўтмиш ва маданий меросга миллий манфаатлар нұқтаи назаридан қаралиб, зўравонликнинг ҳар қандай кўриниши жоҳиллик сифатида баҳоланади. «Мулк» қиссаси бадиий тасвирнинг кенглиги, мажозий образларга бойлиги билан эътиборни тортади. Носир унда XX аср бошидаги таназзулни қаламга олади. Мұхими, инсон ва унинг эътиқоди, моддий-маънавий бойликлари топталгани, шаъни камситилгани ҳақида миллат зиёлиси ўлароқ, куйиниб сўзлайди.

## ХУЛОСА.

Ижодкор шахсияти жамиятда камол топади. У жамиятдаги мавжуд ақидаларни ўзгартиради, қарашларни янгилайди. Унинг асари муайян бир даврда яратилса-да, ўша давр доирасида қолиб кетмайди. Замонлар ўзгариши баробарида бадиий сўз ўзининг янги қирраларини намоён этаверади. Шу боис, тарихга, ҳақиқатга, умуминсоний идеалларга таянган, аслияти ва айниятiga содик қолган сўз санъаткорларининг асарлари, улар куйлаган чинакам инсоний дардлар, илгари сурган ғоялар, ҳаёт ато этган характерлар яшашда давом этади. Асад Дилмурод ижоди бунга ёрқин мисолдир.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Дилмурод Асад. Хаёл чўғланиши. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2015. – 530 б.
2. Дилмурод А., Тўраева Д. Тарихий меъёр ва эстетик масъулият // Ижод олами. 2018. 3-сон. – Б. 6.
3. Ёқубов И. Бадиий матн ва эстетик талқин. – Тошкент, Фан ва технология. 2013.



# SCIENCE TIME

4. Ёкубов И. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. 4-сон. – Б. 30-38.
5. Ҳасанов Ш. Ижодкор шахсияти ва воқелик. Адабиёт газетаси. 2018 йил 29 март. 5(09). 7-бет.
6. Йўлдошев К. (Асарга сўнгсўз) // Дилмурод А. Хаёл чўғланиши. – Тошкент, Янги аср авлоди. 2015. –530 б.
7. Жамоа. Адабиёт назарияси. II жилдлик. II жилд. Ижодий жараён. – Тошкент, Фан. 1979. – Б. 109.
8. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 28.
9. Раҳимжонов Н. Ёруғ сўз ёғдулари (Асарга сўзбоши)//Дилмурод А. Мезон буржи. – Тошкент, Ўзбекистон. 2009. – Б. 6.
10. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/asad-dilmurod/asad-dilmurod-sherdor-qissa/>.
11. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/asad-dilmurod/asad-dilmurod-mulk-qissa/>.
12. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/asad-dilmurod/asad-dilmurod-giri-qissa/>.